
Абдулатиф Имомназаров Ўзбекистон тумани ҳокимининг биринчи уринbosари этиб тайинланди

Имомназаров Абдулатиф Абдумуталович Ўзбекистон тумани ҳокимининг молия-
иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи
уринbosари лавозимига тайинланди.

Абдулатиф Имомназаров 1985 йилда Ўзбекистон туманида туғилган. Тошкент
молия институтини тамомлаган.

Меҳнат фаолиятини 2008 йилда Ўзбекистон туманидаги хусусий корхонада
масъул вазифада бошлаган. 2009-2014 йилларда “Ҳамкорбанк” ОАТБ Қўқон
филиали Яйпан мини банкида масъул лавозимларда ишлаган. 2014-2022
йилларда тумандаги “Шиддат” хусусий корхонаси раҳбари сифатида фаолият
олиб борган.

2022 йилдан тайинловга қадар Ўзбекистон тумани “Яйпан Гузар” маҳалла
фуқаролари йиғинида тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини
таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчиси
вазифасида ишлаб келаётган эди.

2024-09-10 08:23:15